

“АСАКА” БАНК ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меърий ҳужжатлари талабларига мувофиқ “Асака” банк томонидан тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартибини белгилайди.

Барча кредитлар қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида берилади.

Кредитлар “Асака” банк (кейинги ўринларда “Банк”) ва унинг филиалларига Банк Кредит қўмитаси томонидан берилган амалдаги кредитлаш ваколоти доирасида кўриб чиқилади ҳамда банк билан қарз олувчи ўртасида тузиладиган кредит шартномасига мувофиқ ажратилади.

Банкнинг Кредит қўмитаси томонидан тасдиқланган кредит ва унга тенглаштирилган амалиётлар бўйича Банкнинг филиаллари кредит қўмиталарига тегишлилигича ваколат берилиб, кредит аризаси кредитланаётган тадбирнинг ўзини-ўзи қоплашини, гаров таъминотнинг ликвидлигини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги муддатларга очиқ, шунингдек очиқ револьвер ва ёпиқ кредит линиялари асосида берилади:

- қарз олувчи ўз фаолиятини бошлаши учун айланма маблағларни шакллантириш ва инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқишга, қайтариш муддатини узайтиришни ҳисобга олган ҳолда – 12 ой муддатгача;

- айланма маблағларни тўлдиришга – 18 ой муддатгача, йиллик пул айланмаси 1.0 млрд. сўмдан кам бўлмаган қарз олувчиларга, бунда сервис (хизмат кўрсатиш) ҳамда савдо-сотиқ соҳаси мустасно;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ташкил этиш учун айланма маблағларни тўлдиришга – 24 ой муддатгача.

ижобий кредит тарихга эга булган қарз олувчиларга айланма маблағларни тўлдиришга- жами 36 ой муддатгача.

Кредитлар қонунчилик ҳужжатларида таъқиқланган, ҳамда Банк “Кредит сиёсати” талабларига мос келмайдиган фаолият турларини молиялаштириш мақсадларида ажратилиши мумкин эмас.

Банк кредитлар бўйича кредитлашнинг имтиёзли даврини белгилаши мумкин.

Кредитлар илгари олинган кредитларни ёки бошқа қарзларни қайтариш учун берилиши мумкин эмас.

Қарз олувчи олинган кредит суммасини муддатидан илгари қайтаришга ва улардан ҳақиқатда фойдаланилган муддат учун ҳисобланган фоизларни тўлашга ҳақли.

Қарз олувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси валюта биржасига конвертация учун йўналтирилган кредит маблағлари бўйича фоизларни

ҳисоблаш сотиб олинган хорижий валюта қарз олувчининг махсус валюта ҳисоб рақамига ўтказилган кундан бошлаб амалга оширилади.

Конвертация учун йўналтирилган миллий валютадаги кредит маблағлари қарз олувчининг ихтиёрига кўра, кредит шартномасига зид бўлмаган мақсадларга қайта йўналтирилган ҳолларда, мазкур кредит маблағлари бўйича фоизларни ҳисоблаш кредит маблағлари ўтказилган кундан бошлаб амалга оширилади.

Қарз олувчи кредит олиш учун банкка (филиалга) амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳужжатларни ҳамда Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган кредит таъминоти турларидан бири билан биргаликда тақдим этади.

Қарз олувчилар кредит олиш бўйича аризаларни электрон тизим орқали тақдим этиши мумкин. Бунда қарз олувчи банкнинг расмий интернет саҳифасига мурожаат қилиши лозим.

Банк қарз олувчиларга кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ ҳаражатларини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга.

Қарз олувчи томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида қуйидаги таъминот турларидан бирини тақдим этиши мумкин:

- мол-мулк ва қимматли қоғозлар гарови;
- тижорат банки ёки суғурта компаниясининг кафолати;
- учинчи шахсларнинг кафиллиги;
- қарз олувчи томонидан олинган кредитни қайтармаслик ҳатарининг банк фойдасига суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси.
- таъминотнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа турлари.

Банк (филиал) кредитлаш бўлимлари амалдаги қонунчилик талаблари ҳамда Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари талаблари доирасида белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши ва кредит ажратилиши бўйича Банк (филиал) Кредит қўмиталарига кредитлашнинг мақсадга мувофиқлиги ёки рад этиш тўғрисидаги хулоса берилиши лозим.